

## ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

• Утган куни вилоятимиз далаларида 1350 та экиш агрегати ишлади ва 14 минг гектар майдонга барака уруғи қадалди. • Ҳар бир агрегатнинг унумдорлиги ўртача 11,5 гектарданга тўғри келди. • Деҳқонлар кузда ўғит солилмаган майдонларни экиш вақтида бирйўла ўғитлаб кетишга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Ҳозиргача 20 минг гектар майдонга ўғит солинди, шунингдек, 19 минг 100 гектар ерга гербицид сепилди. • **Оққўрғон, Қуйчирчиқ, Юқоричирчиқ районлари экишда олдинда бормоқдалар. Бошқа районлар ҳам ер шароитлари, имкониятларини ҳисобга олиб, экиш сурғатини кучайтирмоқдалар.** • Ҳозирги кундаги асосий вазифа—сифатга эътибор бериш, ерни, тупроқни яхшилаб, майин қилиб тайёрлаб, сўнг экилган уруғни бир текис ундириб олишдан иборатдир. • **Об-ҳавога ишониб бўлмайди. Қатқалоқнинг олдини олиш, юмшатишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни шай қилиб қўйинг.** • **Фурсат кутиб турмайди. Экишни оби-тобида ўтказиб, мўлжалдали вақтда тугаллашлик.**

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

УРТАЧИРЧИҚ. Ҳужаликлар далаларида 135 та сеялка уруғ қадамоқда. Шу кунгача 5 минг гектардан ортиқ ерга чигит экилди. Ҳар қачонгидек қатъий интизом, уюшқонлик ва кўтаринки руҳ билан иш олиб борилаётир.

Экиш мавсумига техникани тахт қилиб қўйган Қорғонбой Соттибоев, Абдукарим Тошматов, Бахтиёр Қўшбоев, Қайом Деҳқоновдек тадбиркор, жонқуяр, тажрибали раислар раҳбарлик қилаётган «Ҳақиқат», Акмал Икромов, «Янги турмуш», «Гулистон» жамоа ҳужаликларида чигит экиш жадал бормоқда. Бу йил район бўйича 15 минг гектар майдонда пахта етиштирилади. Экиш олдиндан барча жамоа ҳужаликларида ерга агро-техник талаблар асосида ишлов берилди, мароминда ўғитланди, суғориш тармоқлари тартибга келтирилди. Энг муҳими мавсум жараёнида механизматорлар учун тўла шарт-шароитлар яратилди. Илгорларни раҳбатлантиришнинг аниқ тадбирлари белгилаб борилди.

— Бутун фикри-ёнимиз чигитни қисқа муддатларда экиб олишга қаратилган. — дейди район ҳокими Мирзамурод Бердимуродович Икромов, — бунинг учун имкониятлар етарли. Узоқи билан 20 апрелгача мавсумни ниҳоялаш ниятида-миз.

Утган йилги мураккаб шароитларда ҳам белин маҳнам боғлаб меҳнат қилган режаларини ортиғи билан адо этган аҳдига вафодор ўртачирчиқлик пахтакорларнинг бу йилги қаракатлари ҳам самарали, омадли бўлишига тилак дошмиз.

С. ҲАСАНОВ.

## ЮҚОРИ СУРЪАТ БИЛАН

ШУ РАЙОНДАГИ Ким фақиятли тугаллаш учун Пен Хава номли халқ корпорацияси деҳқонлари ҳам эрта баҳордан оқ дала ишларини уюшқонлик билан ташкил этиб яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу ерда чигит экиш мавсумини ҳам барвақт ва муваффақиятли тугаллаш учун шарт-шароитлар кўрилди. Техникалар вақтида таъмирланди, зарур инжандорда уруғликлар, минерал ўғит ва бошқа воситалар жамғарилди. Шунинг учун ҳам экиш яхши бормоқда. Суратларда: (чап-дан) сеялкачи Икром Ортиқов, колхозчи Мажид Муродов, бригада бошлиғи Карим Умиряевлар иш устида; (ўнгда) чигит экиш пайти.

В. ХАРИТОНОВ суратлари.

## БИРИНЧИ БЎЛИШДИ

БҲКА (Телефон орқали олинди). Ҳар доим, ҳар бир инда, ҳар бир тадбирин ўтказишда биринчилардан бўлиб келган Сандрохим Саймонов номли жамоа ҳужалиги деҳқонлари чигит экишда ҳам пешқадамлик қилдилар. Ерларнинг кузда чуқур қилиб ҳайдалиб, қўйдириб ўғитланганлиги, шунингдек, техникалар вақтида таъмирланиб, шай қилиб қўйилганлиги жуда кўл келди. Айниқса, экиш олдиндан ўтказилган экиш ваъдаларининг тавловоқлиги катта фойда берди. Ер етилиши биланоқ барча агрегатлар далага олиб чиқилди. Таъмиркорлар, мутахассислар иш бошида бўлдилар. Экишнинг ташкил этилиши, агрегатларнинг ишлаши назорат қилиб борилди. Суръатни жадаллаштириш учун ҳамма имконият яратиб берилди. Натижада жамоа ҳужалиги районда биринчилардан бўлиб 510 гектар майдонга чигит экишни тугаллади.

Ҳужалиқнинг Раҳмонхўжа Сандов, Абдуфайз Раҳмоновлар бошлиқ жамоалари экишда пешқадамлик қилди-

лар. Экишнинг барвақт тугаллашида механизматор ва сеялкачилардан Бахтиёр Абдураҳимов, Фатхиддин Ражабов, Жумағали Абдураҳмонов, Абдуғали Шотемиров, Абдулла Тўйчиев, Сафар Оқжоловнинг хизматлари айниқса катта бўлди.

Эндиги асосий эътибор барча майдонларда чигитни бир текис ундириб олишга қаратилди. Ниҳоллар кўзга ташлангани биланоқ, биринчи ишлов беришга киришилди. Бунинг учун тайёрлик кўриб қўйилмоқда, култиваторлар қайта-қайта кўздан кечярилиб, созилаётир.

Умуман бу йил бўжаликлар 19 минг 600 гектар майдонга чигит экадилар. С. Саймонов номли жамоа ҳужалигидан ибрат олган бошқа ҳужаликлар ҳам экишни жадаллаштирмоқдалар. Жамбул номли, Тилмирзев номли жамоа ҳужаликлар ҳам экишни тугаллаш арасида турibdилар. «Туркистон», Ҳамза номли колхозлар ҳам дала ишларида анча яхши натижаларга эришмоқдалар.



## ХИРМОН КЎРКИ-ДОН, РЎЗҒОР КЎРКИ-НОИ

ОҲАНГАРОН ШАҲАР дон маҳсулотлари комбинати вилоятимиз, пойтахт шаҳримиздан ташқари, республикамизнинг барча вилоятларига ун етказиб бормоқда. Бу корхонада ишчилар учун кўп имтиёзлар ва қулайликлар яратил-

ган. Суратларда: (юқорида чапдан ўн-га) комбинат директори, Ўзбекистон халқ ноиб Зайниддин Мусаев; корхона асосий биноларининг ташқи кўриниши, комбинат ошхонасининг пазандалари Собир Қораев, Рустам Алматовлар тай-

ёрлаган мазали таомларни, новвой Омил Шарифбоев ёпган бўрсилдоқ нонларни ишчилар ҳаминша ёқимли иштах билан тановул қиладилар.

[Мазкур комбинат мавзосининг фойялиги дақиқдаги материалларни 3-сифидда ўқийсиз].

## Туркменистонга сафар

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркменистоннинг пойтахти Ашгабад шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сафар арасида журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, тили, динлигига эмас, балки тарихи, тақдирини ҳам мушарраф бўлган ёки жон қўшишнинг Туркменистон истиқлолга эришган, ўз бойлиқларига ўзи соҳиб бўлганини таъкидлади. Ўзбек ва туркман халқларининг азалий ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш ҳар икки мамлакат учун ҳам манфаатли бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон шимол, жануб, шарқ ва ғарбга чиқадиган дарвозаларга эга бўлмоқда, — деди Ислоом Каримов, — ҳеч бир мамлакат алоқа йўллари, автомобиль, ҳаво ва темир йўл тармоқини ривожлантирмай туриб тараққиётга эришаолмаган. Марказий Осиё давлатларининг, жумладан, Ўзбекистон билан Туркменистоннинг бу соҳалардаги баҳамжиҳат ҳаракати келажакда қудратли ва буюк давлатга айланганини ҳамда қадим Туркистон замининда яшаётган барча халқларнинг фаровон турмуши учун барқарор замин яратеди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Мутовлов, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов ва Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркменистон пойтахтига етиб келди.

Ашгабад аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Туркменистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Журналистлар билан аэропортида бўлиб ўтган қисқа мулоқот чоғида ҳар икки давлат раҳбари мамлакатларимиз халқларининг боболаримиздан бошланган ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш халқларимизнинг фаровон ҳаётга олиб чиқувчи истиқболли йўл эканини таъкидладилар.

Кутиб олиш маросими ниҳоялагач, Ўзбекистон ҳукумат делегацияси аъзолари Ашгабад шаҳри жанубидаги янги

барпо этилаётган меҳмонхона ва элчихоналар комплекси ҳамда турар-жой деҳалери билан танишишди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов билан Туркменистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовнинг ақма-яқма суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳар икки мамлакат президенти тушдан кейин Туркменистон давлат дорирфунунини талаблари билан учрашдилар. Президентлар саздан қондош бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарликни юксалтиришда, давлатларимиз қудратини оширишда мамлакатларимиз ишлари олдида катта вазифалар турганини қайд этдилар.

Оқшом чоғи президент саройида ҳар икки мамлакат раҳбарлари расмий делегациялар ўртасида бўлиб ўтган ўзаро мулоқотлар ва музокара-ларга яқун ясар эканлар, уларнинг самарали бўлганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов шу куни кечқурун Туркменистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ҳамроҳлигида Чоржўй шаҳрига жўнаб кетди.

[УЗА].



## ВИЛОЯТИМИЗ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛЕНИНОБОДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

БҲУН Тошкент вилоят делегацияси Ленинобод вилоят раҳбарияти билан учрашиш, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мус-

таҳкамлаш, икки қўшни вилоят ўртасидаги қўшнчилик муносабатларини янги поғонага кўтариш ҳамда икки ўртада келишилган қатор

шартномаларни имзолаш учун Хўжандга жўнаб кетди. Мазкур шартномалар Тошкент ва Ленинобод вилоятлари ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ҳаёда маданий алоқаларга донор қатор масалаларни ўз ичига олади. Тошкент вилоят делегациясига вилоят ҳокими Сайфулла Давирович Сайдалиев бошчилик қилмоқда.



# ХИРМОН КЎРКИ - ДОН, РЎЗТОР КЎРКИ - ДОН

## Оҳангарон шаҳар дон маҳсулотлари комбинати фаолиятдан



**Зил фарзанди**

Залворли тоғлар этагидаги бу сўлим кишлоқнинг номи ҳоржий элларда ҳам машҳур бўлиб кетган. Тошкентга келган эиэратчилар, меҳмонлар Суқоқнинг мусаффо ҳавосидан, билдурдек тиниқ булоқларидан туйиб-туйиб смирганларида танлари ором олиб, «Биз бошқа жойни кўрмасак ҳам майли, шу ерда яна икки-уч кунгина гурақолайлик» деб сафарбошларга ялтинганларнинг тувози бўлганман. Илтмослари қондирилган ҳам. Шунда бағри бепеён қиларидек кенг паркетлик деҳқонлар саҳоватини, меҳмондўстлигини кўриб лол қолган. Барқашларда узум, шафтоли, анжир кўтариб чиққан боболар, тандирдан узилган иссиқ бўрсилдоқ нонларни дастурхонга қўйган момолар олдига ўринларидан туриб қайта-қайта таъмин қилишарди.

Фарзандларидан бири Зайниддин эса мустақил Ўзбекистонимизда чинакам эл фарзанди сифатида танилди.

Мақтабадэк илмага астойдил меҳр қўйган Зайниддин Мусаевнинг болалиги ҳам шу сўлув кишлоқда ўтди. Унинг синфини битиргач, аскарлик либосини эгитиш кийди. Бурчин ало этиб келгандан сўнг Фаргона политехника институтининг энергетика факультетига муваффақият-ли имтиҳон топширди. 1978 йилда ёш мухандис-мутахассис йўллама билан Оҳангарон шаҳар дон маҳсулотлари комбинатига ишга келди.

Кенса соҳибкорларда: ниҳоннинг гурираб ўсиши ва тез мевага кириши икки омилга — яхши замин ва захматкаш болгонга боғлиқ деган гап бор. Шу жиҳатдан киёслайдиган бўлсақ, Зайниддин ҳар икковидан ҳам ёлди. Талабчан ва гамхўр корхона раҳбари ўша кезлардаёқ яхши оилада тарбиялангани сезилиб турган Э. Му-



**Касби — фахри**

1600 тонна ун, 800 тонна омухта ем тайёрлаб аҳолига тарқатилди. Бу кўрсаткичларга эришилнинг ўзи бўлмайди, албатта. Комбинатда ишчилар учун бутун шарт-шароитлар яратиб берилганлиги туйфайли ана шу муваффақиятлар қўлга кириштирилди. Ойлик маошлар қисқа муддат ичида тўрт-беш баробар оширилди. Ҳар тача ҳар бир ишчи 15—20 минг сўмдан ойлик олмоқда. Бундан ташқари 5 минг сўмдан товон пулли, оғдат ва йўл ҳақи пуллари ҳам тўлаб борилаётир. Ана шулар ишчиларни руҳлантirmoқда.

● **БУ азамат, ишчан йигитлар меҳнати туйфайли омбордан ҳар кун 200 тоннадан ортнк ун вилотимиз районлари ва шаҳарларига, республикамиз вилотларига жўнатилмоқда.**

Қопланган маҳсулотни транспортгерга етказиб беришда автопогрузчик ҳайдовчиси Абдурахмон Қурбоновнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Суратда: А. Қурбонов иш устида.

### ШИНАМ, ЗАМОНАВИЙ

Авалло ҳеч ким касал бўлмасин. Лекин иссиқ жон, бирон киши дардга чалиниб қолгудек бўлса, шифо бахш этишга тайёриэмиз. Шинамгина дўхтирхонамизда бир қатор ихтисосликлар бўйича малакали шифокорлар ишлашади. Ички касалликлар тиббий ходими Нурия Турсунова, гинеколог Навтўрда Юнусова каби мажмурлар ўз касбларига бўлган ихлослари, беморлар қалбига йўл топишлари билан ишчилар орасида хурмат-эътибор орттиришган.

Комбинат раҳбариятининг дўхтирхона моддий базасини мустаҳкамлаш борасидаги гамхўрлигини доимо ҳис этиб турибмиз. Тиббий хоналар энг замонавий асбоблар билан янги-янгиланган. Янчида эса соғломлаштириш хонаси ҳам очилди. Бу хона учун зарур бўлган ускуналар сойтиб олинди.



Биз комбинат ишчилари орасида рўй бериши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш билан изчил шуғулланамиз. Цехларда суҳбатлар олиб борамиз. Хусусан, кейинги пайтларда аёллар орасида «Соғлом авлод учун» мавзудаги гурунглари тез-тез ўтказилди. Бу мавзу — давр тақозоси. Чунки мустақил Ўзбекистонимизнинг авлоди соғлом бўлиши учун бутун она ва бола саломатлигига эътиборни кучайтиришимиз.

**Мастура ҚОРАБОВЕВА,**  
дўхтирхона мудири.

### ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР

сеав билан суҳбатлашгач, уни омухта ем цехига электик касби бўйича ишга жойлаштириди. Зайниддин тезда ахил, ишчан, бир-бирига оқибатли жамоа бағрида эканлигини ҳис этди. Ҳар жойда ҳам билими, мутахассислигини пухта эгаллаган инсон тезда ўз меҳнати билан сўнги долзарбга йўл олган. Зайниддиннинг фаолиятига назар солган киши унинг парвоз учун анча жадал наот чиқарганининг пайқаб олади. Оддий электик, энергетик, электр цехининг бошлиғи, бош энергетик, ун ишлаб чиқариш цехи бошлиғининг муовини, иситиш тармоқлари бошлиғи, комбинат бош мухандиси, 1987 йил октябрдан буён эса комбинат директори. Кўриниб турибдики, у деярли барча погонларини тез босиб ўтган.

Директор бизга бундай янги технологияни жорий этишда, унумдорлиқни оширишда бош мухандис Йўлдош Намалев, бош технолог Махмуд Турнобов, тегиримон бошлиқлари Баҳром Эгамбердиев, Илхомиддин Мирзаев, бош механик Валдимир Ким, мутахассис Абдураҳмон Темиров, бош бухгалтер Нурлан Пушанов, унинг ёрдамчиси Қурбон Аҳмедов, кадрлар бўлими бошлиғи Анна Васильевна Пак, омухта ем цехининг бошлиғи Умар Турғунов ҳамда бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлганлигини батафсил ҳикоя қилиб берди. Директор ишчилар ҳақида сўзлар экан, улар орасида меҳр-оқибат, бир-бирига ҳамкорлик туйғулари йилдан-йилга ортиб бораётганини таъкиллади. Аҳмад Хушмуродов, Арабжон Парпиев, Сайдақор Сандарқиев, Шаҳло Дадаева, Фарида Тавабилова, Виктор Александров, Мирсад Саломов, Ортинжон Туронов каби ишчилар, ходимлар ва мутахассислар комбинат пешкадамлари сифатида ҳамisha намуна кўрсатиб меҳнат қилаётганликларини қайд этди.

### ИМТИЁЗЛАРИМИЗ КЎП

Бор гапни айтганим. Ишчиларимиз жуда кўп имтиёзларга эга. Марҳамат, эътибор қилинг. Ҳар ойда маошга қўшимча тарзда 5 минг сўмдан яна товон пули берилади. Оғдат ва йўл ҳақи учун 2120 сўмдан маблағ акратилган. Айниқса, комбинатдаги қўлайликлардан аёллар хурсанд. Биз уларнинг ишдаги, онладаги юмушлари ҳалдан ташқари қўлгиллиги ҳисобга олиб, дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари тўғрисидаги масалани корхона маъмуриятига ҳавола этган эдик. У икковий ҳал бўлди. Эндликда хотин-қизлар меҳнат таътилига қўшимча яна 12 кун давомида ҳордик чиқарилади. Шу муддат учун уларга маош ҳам тўланади.

Ҳозирги иқтисодий мур

мунтазам ёрдам бериб келатганлигини таъкиллаш ўринлидир. Шаҳримизда бизнинг жамоамизга «саҳоватли жамоа» деб ном қўйилган. Бу бежиз эмас. 1992 йилда «Болалар», «Наврўз» жамғармаларига 7 минг, қариялар уйига 40 минг, руҳий беморлар уйига 32 минг, 2 та мактабга 16 минг, 12-болалар богчасига 12 минг, «Маҳалла» жамғармасига 500 минг сўм хайрия тариқасида ўтказилди.

Меҳнат фахрийларини, пенсионерлар, Улуғ Ватан уруши ноғирларини қадрлаш, моддий қўллаб-қувватлаш доимий диққат эътиборимизда. Буларнинг ҳаммаси баърақали ишчилар, ходимлар, мутахассисларга оқилона раҳбарлик қилаётган корхона маъмуриятининг фаолияти самарасидир.

**А. БОГАТИРЕВ,**  
комбинат касба уюшма кўмитаси раис.

— Албатта, шундай бўлади дадаси, суҳбатга қўшилди Шарофат ая.— баракка топқурларингиз киминикида ҳашар бўлса ҳам қўшимчадир. Тўғларда, оғир кунларда ўртоқларининг биларида турганларини кўриб дилдилдимдан қувонаман. Насиҳатларимиз эое кетмаганлигидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Ўғил-қизлар ота-она кўзлагандек захматкаш, иродали, меҳр-шафқатли бўлиб улғайиши. Бир-биридан олобли, меҳнатсевар болаларга бутун кишлоқ ҳавас билан қарайдиган бўлди. Улар оталари ният қилганидек камтарликлари, меҳнатсеварликлари билан эътибор

булар билан суҳбатлашгач, уни омухта ем цехига электик касби бўйича ишга жойлаштириди. Зайниддин тезда ахил, ишчан, бир-бирига оқибатли жамоа бағрида эканлигини ҳис этди. Ҳар жойда ҳам билими, мутахассислигини пухта эгаллаган инсон тезда ўз меҳнати билан сўнги долзарбга йўл олган. Зайниддиннинг фаолиятига назар солган киши унинг парвоз учун анча жадал наот чиқарганининг пайқаб олади. Оддий электик, энергетик, электр цехининг бошлиғи, бош энергетик, ун ишлаб чиқариш цехи бошлиғининг муовини, иситиш тармоқлари бошлиғи, комбинат бош мухандиси, 1987 йил октябрдан буён эса комбинат директори. Кўриниб турибдики, у деярли барча погонларини тез босиб ўтган.

— Бу лавозимга мени лойиқ кўрган устозим ҳозир республика миёнасида раҳбарлик қиладилар,— дейди Э. Мусаев.— тартиб-интизомга қатъий риоя қилишни, талабчанлик, муаммоларни ҳозир-жавоблик билан ҳал этишни, ишчиларга доимий равишда гамхўрлик қилиб боришни, илғор тажрибаларни иш жарайнига жадал таъбиқ этишни улардан ўрганганман.

Зайниддин Мусаев чиндан ҳам моҳир, элпарвар устоз кўрди. Бу унинг раҳбар сифатида комбинатда меҳнат жараёнини автоматлаштириш, ишлаб чиқариш эстетикасини юқори даражада кў-

### ДЎСТ, АХИЛ ОИЛАМИЗ

Исон уй-жойидан, ишдан кўнгли тўқ бўлса, у хотиркам, баранали меҳнат қилади. Бунинг бизнинг қирқ кишидан иборат 2-тегиримон цехимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамоамизда ҳар ким ўз бурчини билиб бажаради. Бир одамнинг интизомсизлиги ёки лоқайдлиги бошқалар учун ҳам моддий зарар етказиши дилдан ҳис этарди. Чунки комбинатимиз

раҳбарияти бизни шу тартибга ўргатган. Ана шу тўғри талаб туйфайли меҳнатимиз самаралар бўлапти. Хусусан, шу йилнинг биринчи чоғида режалдан ташқари 99% омон ун ишлаб чиқаришга эришдик. Цех янги технология асосида жиҳозланди, барча ускуналар замонавий бўлганлиги туйфайли ҳам унумдорлик тобора ортиб бормоқда.

Сўнгги йиллар ичида халтачаларга ун қадоқлаш жараёнини ҳам пухта ўзлаштириб олдик. Ўтган уч ой ичида бу тармоқ бўйича белгиланган режа 150 фозга ошди. Албатта, ўз иш жойингга меҳр ва ихлос қўйиш яратилган қўлайликларга боғлиқ бўлди. Бу жиҳатдан олганда корхона маъмурияти етарли даражада гамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Шинам ошхонамизда ҳамisha



● **ФАРИДА Аъзамовна Тавабилова** кўп йиллардан бери комбинатда изчил фаолият кўрсатиб келаётган лаборатория мудири. Унинг ўзинга хос «сифатини аниқловчи институти»да ўн бир киши ишлайди. Шаҳло Дадаева, Галина Эм, Ольга Красильникова сингари доимо ўз вазифасига ҳалол муносабатда бўлиб келаётган ходимлари билан мудир фахрланади.

### БИЗ УЧУН МУРАББИЙ

Кенсалар рўзгоринг боши, уйнинг кут-баракаси, азиз неъматини — нон дейишади. Визнинг ана шу табардук ризқ-рўзини яратишда муносиб ҳиссамиз борлигини ўйлаб, қувонаман. Дўконда нон турар экан, ҳозирги мушкулликлар кўзимга ҳеч нараса эмасдек бўлиб кўринади.

Элимизнинг дастурхонини бўрсилдоқ нонларга тўла бўлиши учун биз имкони борича кўп ва сифатли ун ишлаб чиқаришга интилимиз. 1-тегиримон цехида ҳар смена давомида 215—220 тонна ун тайёрланади. Тегиримонлар бир жойдан туриб, пулть орнали бошқарилади. Бу ишчи кучини тежашдан ташқари, маҳсулот сифатининг юқори бўлишини ҳам таъминламоқда.

Баракали ишлаб ойнаганда 15—20 минг сўмдан маош олаётимиз. Бундан ташқари, ёрдам пули ҳам берилаётир. Шу боис цехимизда ҳамма иш вақтинин алоҳида қадрлайди. Цех бошлиғимиз Илхомиддин Мирзаев ўз касбинини пухта эгаллаган мутахассис. Унда ёш бўлса ҳам бош бўлиш қобилияти кучли. Ҳар бир ишчи-чег ҳолидан жабадор, гишлар қўнглини топиб муомала қилади. Шунинг учун доимо хурматда. Уни кўпгина ишчилар, хусусан, Зоир Фармонов, Акрон Мирсоатов, Махмуд Парпиев, Зебо Парпиева, Турсуноя Аутева, Татьяна Каримова кабилар ўзларига чинакам мураббий деб билишади.

**Жамила ХОЛЮСУПОВА,**  
ишчи.



**СУРАТЛАРДА:** комбинат ёрдамчи хўжаликлариде «кичик ферма» мудири Қўчқор Хайитқулов, иссиқхона миришкорлари Эламас Ашуралиев ва Ғайрат Уроқовларни кўриб турибсиз. Суратларни Ҳаким СОЛИХОВ олган.

### ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК КЕНГАЙВЕРАДИ

Кейинги йилларда шаҳримизга келган меҳмонлар комбинатимиз билан танишадиган бўлиб қолдилар. Улар цехларни, омборхоналарни айланиб чиқишгач, тўғри ёрдамчи хўжалигимизга ўтадилар. Ўзига хос «кичик ферма» миз бевосита корхонанинг ёнгинасида жойлашган. Моллар, қўйларнинг кўпайётганию, семираётгани, ҳаммаси ишчиларнинг кўз ўнгиде. Чорвачилик бўйича ёрдамчи хўжалигини «бобора» ривожлантираётганимиз бежиз эмас. Ишчиларга тез-тез ўттириш тартибиде 3200 гўшт тарқатиб туриамиз. Келгусида қорамоллар сонини мингтага, қўйларни 300 бошга етказиб, ҳар ҳафтада бир ишчини 4 килограммдан шўшт билан таъминлашни мақсад қилиб қўйганмиз.

Комбинатимизда бир йилда 110 минг тонна омухта етказилди. У бемалол, Шунинг учун моллар, қўйлар тез етлади. Ўтган йилда битта сиғирдан 3200 гўшт тарқатиб туриамиз. Келгусида қорамоллар сонини мингтага, қўйларни 300 бошга етказиб, ҳар ҳафтада бир ишчини 4 килограммдан шўшт билан таъминлашни мақсад қилиб қўйганмиз.

Комбинатимизда бир йилда 110 минг тонна омухта етказилди. У бемалол, Шунинг учун моллар, қўйлар тез етлади. Ўтган йилда битта сиғирдан 3200 гўшт тарқатиб туриамиз. Келгусида қорамоллар сонини мингтага, қўйларни 300 бошга етказиб, ҳар ҳафтада бир ишчини 4 килограммдан шўшт билан таъминлашни мақсад қилиб қўйганмиз.

органнинг шаҳар аҳолисига сотдик. Новвослар парвариси ҳам яхши йўлга айланган. Улар бир тонна атрофида тош босмоқда. Ҳатто бир зотли новвосни 1700 килограммга етказиб парварши қилдик.

**Саҳифани «Тошкент ҳақиқати»нинг бўлим мудири Саидвали ҲАСАНОВ тайёрлади.**

Лабораторияда сифатни текшириш учун зарур бўлган барча асбоблар мавжуд. Хамир қорандиган ускуна ва жиҳозлар ўрнатилган хонага яқин бўлган тандир турли навдаги ундан тайёрланадиган нон сифатини ҳам аниқлаш имконини бермоқда. Комбинатда маҳсулот сифатининг йил сайин ортиши эса истеъмолчилар сафини кенгайтираётир. Суратда: (чапдан ўнгга) лаборант Шаҳло Дадаева ҳамда лаборатория мудири Фарида Тавабиловалар навбатдаги таҳлилни ўтказмоқдалар.



ЯШНА, БАҲОР.

А. АБДИЯН сураг-ламбаси.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТ ВА ЖАВОБЛАРДАН

ХЕЧДАН КЎРА...

РЎЗНОМАМИЗНИНГ шу йил 11 февраль соғина «Йоми узгартирилса» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Яқинда жақмур мақола юзасидан Тошкент темир йўл бўлими бошқаруви аҳолининг таълим бунёдига мувоин Р. Каримов имзоси билан жа- вооб олди. Унда айтилиши- ча мақолада баён қилинган фикрлар Тошкент темир йўл бўлими раҳбарининг томонидан қўриб чиқил- ган. Шу вақтгача ўзбекча номланмаган темир йўл бекатлари қишлоқ, район- лар ва шаҳар раҳбарлари билан келишилган ҳолда аҳолининг тақдирларини ҳисобга олиб, бекатларни ўзбекча номлаш тўғрисида кўрсатмалар...

ХУШЁРЛИКНИ УНУТМАНГ!

ВИЛОЯТ ХУДУДИДА 20 АПРЕЛДАН 20 МАЙГАЧА «МОТОЦИКЛ» ОПЕРАЦИЯСИ ЭТКАЗИЛАДИ

Исонлар ҳавфсизлиги ни таъминлаш давлат авто- мобил нazorати бўлими раҳ- бари хонимлари олдига турган муҳим вазифалардан бири- дир. Биз ҳеч қим шикаст- ламасин, хонадонларга қай- гу-алам қилиб бормасин, дей- миз. Лекин, шунча ҳатти- ҳаракатларимизга қарамай бахтсиз йўл ҳодисалари кўп- лаб юз бермоқда. Масалан, биргина 1993 йилнинг 3 ойи мобайнида вилоятимизда 230 та йўл-транспорт ҳо- дисаси бўлиб, 42 киши ҳаёт- дан кўз юмди. 327 нафар киши турли хил даражадаги тан жароҳати олди. Бахтсиз ҳодисаларнинг 36 таси мо- тоциклларнинг носоз ҳо- лати, кайф билан бошқари- либ олиб келиб қўйилган ва- жибдан келиб чиқ- қан. Маълумки, мотоцикл энг ҳавфли транспорт восита- лардан ҳисобланади. Уни бошқариш учун ниҳоятда ҳушёрлик, моҳирлик талаб этилади. Афсуски, бу турда- ги транспорт воситасини йўлнинг пойма майдони деб биладиган, қанча тез уса- шуна завқ оладиган гўр ўс- мирлар кўпроқ минишади. Яна уларда гувоҳнома ҳам, номер ҳам бўлмайди. Кўза кўча эмас, кўнида синади. Мотоцикл эгасини турли ҳавфлардан сақлаб қолади- ган робот эмас. Сагинга эҳ- тиётсизлик қилинса — та- ном, ҳалигина соғлом ба- қуват юрган киши майиб бўлади. Қўйда мотоцикл ҳайдаш қонун-қоидаларига амал қил- маслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақнда сўз юртимиз. Валерий Горбунов «М-67» маркали, «64—88 ТШВ» давлат номерли мотоциклини Цементная кўчаси бўйлаб Оҳангарон сари учириб бо- рарди. Фалокат оёқ остидан чиқди: йўлда Талгат Мели- қулов бошқариб келаётган автомашинага урилди. Вале- рий тан жароҳати олиб, ши- фохонага ётқизилди. Владимир Ватлин ўзи- нинг «Восход-3М» маркали, «87—55 ТШП» номерли мотоциклига ширарайф ҳо- лда ўтириб, Тошкент — Чимён автойўлига чиқди. Чирчиқ шаҳри ҳудудида тўхтаб тур- ган автомашинага урилди, бор кайфи тарқаб кетди. У ва шериги Олегни зудлик билан шифохонага жўна- тилди. Хуллас, мотоциклни эҳти- ётсизлик билан бошқариш яхши оқибатларга олиб бор- майди. Бу олдин ҳақиқатини Олмалиқ шаҳридан С. Сер- дуков, қиррайлик Игорь Терешченко, бўкалик Қур- бонали Набиев, бекободлик Мўмин Қўсийбоев, янгийўл- лик Усмон Сайдинов каби ҳовлиқамалар шифохонага ётганлардан кейингина тан олдилар. Баъзан мавжуд қондалар- га риоя қилмаслик, ичиб олганда ҳам мотоциклни «моҳирона» бошқаравер- ман, деб эҳтиёткорликни унутishi фожияларга олиб келади. Шунинг унутмаслик керак- ки, мотоцикл самолёт ёки ракета эмас. Бу транспорт воситасини бошқарганда ни- ҳоятда ҳушёрлик талаб эти- лади.

СПОРТ Қўйичирчиқликлар биринчи

Олмалиқ шаҳрида юқори синф ўқувчилари ва хиз- матта қақрилувчи ўсмир- лар ўртасида «Ватан қақ- риниға бўл тайёр!» шiori остида вилоят биринчили- ги бўлиб ўтди. Спортнинг бир қатор турлари — югу- риш, сузиш, қичиқ калиб- ли милитидан нишонга отиш, граната иргитиш, гимнастика бўйича мусо- бақалар уч босқичда ўтка- зилди. Дастлаб мактаблар- аро бўлиб ўтган мусобақа- лар голблери шаҳар ва район биринчиликларида иштирок этдилар ва бу куч синишларда голбл чиқ- қанлар Олмалиқда бўлган вилоят биринчилигида қат- нашдилар. Бу учрашу- ларда жами 9 команда са- фида юзга яқин ёшлар иш- тирок этди. Мусобақаларда Антрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳар- лари, Қўйичирчиқ, Тош- кент, Зангиота районлари вакиллари яхши натижа- ларга эришдилар. Қўй- чирчиқликлар биринчи ўри- ни эгаллаб, совриндор бў- лдилар.

Ёдномә ДОИРА ЖАРАНГИГА МАФТУНКОР УМР

СЎЗ бисотимизда «Яхши- дан бог қолур...» деган ажойиб бир нақл бор. Мағ- зи тўқ бу ноора замирида катта маъно жаваҳири яширинган. Хўш, ана шу жаваҳирнинг ўзи нима? Яхши одамлардан қолувчи бог асли қанақа ва у қан- дай бунёд топади? Ҳа, бог яратилдек улуг бахт ҳаммага ҳам насиб этавермас, у фақат худо ярлақгангагина буюрар экан. Зотан, ҳар бир одам, ҳар бир зот бу улуг ният, бу олижаноб маъ- саддан бенасиб эмас. Хоҳ у олим бўлсин, хоҳ хунар- манд, хоҳ зироатчи-ю, хоҳ муалим... Фақат ўша ният — гўзал бир хислат, бў- юк фазилат бўлиб қолмо- ги, чинакам борлиқ бўлиб яраломи учун одам бо- ласи энг юксак ахлоқий неъматлардан баҳраманд бўлмоғи шарт. Яралиш бог даставвал ниҳийнинг қалбиди, унинг муррақлиги- дан бошлаб ниш уради, воғга етади, мева беради. Бундай боғни халқ ти- лади — мерос деб аташади. Мерос — бу шундай бир муътабар «нарсани, унга тириклик даъвосини қи- лиш фарз эмас. Халқ эъзо- злаган, қадр билган нарсаларнинг ҳаммаси қад- рият, меросдир. Мерос ум- ри эса чегара билмас. Ўз даврининг кўзга кў- ринган машғоғи, Ўзбе- кистонда хизмат кўрсатган артист, уста доирачи Тўйчи ана Иноғомов ҳақида эл орасида санъаткорлар давраларида кўп ажойиб яхши гаплар юради. За- мондошлари устоз соғинада тўғрисида тўқтиниланб, тў- қилиб-сонилб сўзлашади, уни ноёб саз мактаби ярат- ган инқодор, деб эслашади. Ҳа, устоз Тўйчи ака- нинг мағрур қоматини бу- гун шодон давраларда уч- ратмаймиз, унинг шаддам қадамлари товушини бошқа эшитмаймиз. У киши энди орамизда йўқ. Ҳаёт бўлган- ларида гулларга чулганган ана шу боғроқ фаслида 78 ёшга тўлган бўлур эдилар. Жудодик, йўқотиш жуда оғир. Одатга кўра бундай қилларда марҳумнинг ях- ши хислатлари, хайрли ишлари ёдга олинади. Инсон бандлигини бажо келтирди. Аммо у буткул ўлган, ном-нишонсиз кет- ган йўқ-қў! Унинг руҳи абдий тирик, ундан ёруғ дунёда нақирон насл-на- сиб қолди, кўркам бог — мерос... Тўйчи ака ҳам ти- риклигида балким ана шу- лар ҳақида, ўзидан қол- миш бог хусусида кўп ўй- лар бўлсалар, ажабмас. Қўхна Тошкентнинг Шайх Мерғанча маҳалласида 5-валлид топан Тўйчи ака- нинг ҳаёт тарзи ва турмуш- зайли бошқарилганидан ан- дам фарқ қилса бордир, аммо ҳамма тошкентлик тенкурлари қатори мак- табда ўқиди, оқ-қорани та- ниди. Балоят ёшига етиб, орзулар елкасига тармаш- тиди, ишли-жошли, гулдек хунар соҳиб бўлди. Тақ- дир тақозоси билан у санъ- ат бўстони ўзига макон танлади ва шу оғенга бир умр меҳр қўйиб яшайди. Доирачини кўнчича да- лада, саратон кўши ости- да тер тўкиб кетмон чоп- ган миришор дехқонга қиёс қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. Улар ўрта- сида умумий бир ўхшаш- лик бор. Дехқоннинг ҳам, доирачининг ҳам доим қў- лари қадок, чандиқ боғла- ган ва дағал. Бирини далада машаққат-чекиб, қанду шакар — ноз-неъмат етиш- тирса, бири саҳнада доира- ни зарб билан чертиб, ором хузурини кўзлаган чанқоқ қалбларга дилрабо



Уста Олим Комилов

Уста Олим Комилов син- гарини таъинли соғинада билан бирга ишлаш Тўйчи акага барча илҳом ва инод эшикларини ланг очиб юборди. Доира оҳанглари энди тамоман бошқа жан- ранг ва сайнал билан ян- гирай бошлади. Ижроичлик маҳоратида ҳам кескин ўз- гардиш юз берди. Соғинада саз билан ўзгача тарзда тиллаша бошлади. Доира- нинг шу дағача ҳеч қимга маълум бўлмаган олмос қирралари, жанранга бой ранг-баранг оҳанг тақдир- лари банисоли шафқатдай ёлқилана бошлади. Ана шу ёлқилана Тўйчи аканинг ҳам қайноқ кўри, муно- сиб улуси борлиги кўп сонли санъат илҳомланди- ри кўнглига катта тас- киндир. Тўйчи ака устоз Уста Олим Комилов, ўзбек му- синачилигининг машҳур ар- тистлари Тўхтасин Ниди- лов, Фохриддин Соликов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳ- маддон Умурақов ва шу каби қатор бошқа хона- дар, соғинада ва рақосалар билан бирга ишлади. 1942 йилда эса, уни аскарлик либосида Алишер Навоий номили театр (шундада му- сикали театр бўлган) осто- насидан фронтга, Ватан мудофасига қузатиб қўй- ишди. У уч йилдан ортқ вақт узоқ юртларда қон, қурум кеңди, душман гала- ларини Эльба дарёси со- ҳилигача қувиб борди. 1945 йилнинг майида жо- наман шаҳри Тошкентга галаба билан қайтди. Урушдан соғ-омон қайт- ган Тўйчи ака янги мас- кани — Мўқимий номилиги мусикали драма театрида иш бошлади. Ўша пайтлар- да театр саҳнадан туш- маган «Тоҳир ва Зухра», «Азиз ва Санам», «Фарҳод ва Ширин», «Равшан ва Зулхумор», «Алпомиш»

қуй, малҳам бахш этади. Тўйчи ака ропна-роса 48 йил ана шундай хайрли ишнинг бошини тўтиб кел- ди, санъатсевар халқига қўл қовуштириб ҳалол хиз- мат қилди. Яхши устоз отанган улуг деган гап бор. Тўйчи ака Иноғомов ҳам ана шундай ажойиб устозга етишиш бахтига мушарраф бўлди. Ўттинчи йиллар- да санъаткорлар орасидан чиққан биринчи «Меҳнат қаҳрамони» Уста Олим Ко- милив уни ўз меҳр пано- хига олди. Ўша йиллари машҳур ўзбек доирачи- сининг доврғи жаҳон ме- дий юради. 1935 йилда Англия пойтахти Лондон шаҳрида ўтказилган би- ринчи Халқаро рақс фе- стивалида катнашган шарқ- лик зукко санъаткорнинг доирада маҳорат билан иж- ро этган сеҳрбанд ва жози- бали машқлари ҳаммаси дол қолдирди. Устозга фестивалнинг олтин нишо- ни насиб этди. Орадан кўп

Бунинг таъинли соғинада шоғирдларнинг санъат бў- стонининг ҳамма қорбоғла- рида учратиб мумкин. Улар- нинг аскаритни ҳозирда етук санъаткор... ўз устоз- ларидек номдор мураббий. «Баҳор» давлат рақс ан- самблининг етакчи доира- чиси, республикада хиз- мат кўрсатган артист, дав- лат мукофоти ва қатор Жаҳон фестивалларининг лауреати Қадрамон Дада- ев, жаҳон фестивали лауре- ати Равшан Акбарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўр- сатган артистлар ана-ча Элмурад ва Дилмурод Ис- ломовлар «Тановар» ан- самблининг соғинада Убай Маҳдумов, уйғур ансамб- ли доирачиси Шавкат Ние- зов, Тошкент консервато- риясининг доцент Илҳом Икромов, доира ўқиту- чилари Абдураҳмон Муҳа- медов, Эроғаш Каримов, Хамид Усмонов ва жуда кўп бошқалар шулар жум- ласидандир. Шоғирлар ус- тоз ўғитини, у берган ту- зини ҳалоллик ва оқибат билан оқламоқдалар. Чўқ- қони берилди. Кўнрагини бирин-кетин Москвадан бе- рилган нишонлар шодас беэди. Уста Олим Комилов син- гарини таъинли соғинада билан бирга ишлаш Тўйчи акага барча илҳом ва инод эшикларини ланг очиб юборди. Доира оҳанглари энди тамоман бошқа жан- ранг ва сайнал билан ян- гирай бошлади. Ижроичлик маҳоратида ҳам кескин ўз- гардиш юз берди. Соғинада саз билан ўзгача тарзда тиллаша бошлади. Доира- нинг шу дағача ҳеч қимга маълум бўлмаган олмос қирралари, жанранга бой ранг-баранг оҳанг тақдир- лари банисоли шафқатдай ёлқилана бошлади. Ана шу ёлқилана Тўйчи аканинг ҳам қайноқ кўри, муно- сиб улуси борлиги кўп сонли санъат илҳомланди- ри кўнглига катта тас- киндир. Тўйчи ака устоз Уста Олим Комилов, ўзбек му- синачилигининг машҳур ар- тистлари Тўхтасин Ниди- лов, Фохриддин Соликов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳ- маддон Умурақов ва шу каби қатор бошқа хона- дар, соғинада ва рақосалар билан бирга ишлади. 1942 йилда эса, уни аскарлик либосида Алишер Навоий номили театр (шундада му- сикали театр бўлган) осто- насидан фронтга, Ватан мудофасига қузатиб қўй- ишди. У уч йилдан ортқ вақт узоқ юртларда қон, қурум кеңди, душман гала- ларини Эльба дарёси со- ҳилигача қувиб борди. 1945 йилнинг майида жо- наман шаҳри Тошкентга галаба билан қайтди. Урушдан соғ-омон қайт- ган Тўйчи ака янги мас- кани — Мўқимий номилиги мусикали драма театрида иш бошлади. Ўша пайтлар- да театр саҳнадан туш- маган «Тоҳир ва Зухра», «Азиз ва Санам», «Фарҳод ва Ширин», «Равшан ва Зулхумор», «Алпомиш»

МОЛ БОЗОРИГА КИМ ҚАРАЙДИ?

Ангрен шаҳар мол бозо- рига кирган кишининг таъби- хира бўлиб чиқди. Чунин бозорнинг ичи балчиқ, ус- тидан юқори кўчаниши электр сими ўтган. Дар- васа олдидаги паттачи хо- насин чўқиб тушди. Егин- гарчиликларда пана бўл- гу, дек жой йўқ. Қисқаса, Ангрен шаҳар мол бозорини бошқа ду- русроқ жойга қўчириш, харидор, сотувчиларга қулай шароитлар яратиш ке- рак. Т. ШЕРАЛИЕВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● КЕЧА Россия олий суди давлат факултетида ҳолат билан давлат комитетининг иши юзасидан суд бошланди. 12 киши ҳокимиятнинг бо- шқариш мақсадида фи- нча уюштиришда ҳамда Ва- танга ҳўнат қилишда айб- ланиб, суд жавабгарлигига тортилмоқда. Улар 1991 йил августидан давлат тўй- тарини қилишга беҳуда ури- нишининг бевосита таъки- лотчилари ва қатнашчилари- дир. ● ЯПОНИЯ шаҳзодаси Нарухитонинг қайлиги Мос- квадаги болалар боғчасида тарбия кўрган, АҚШ ва Япониянинг учта нуфузли дорифундулариди ўқинган- да сўнг яқинда яна «пар- тага ўтиришга» қарор қил- ди. Гап шундаки, Япония тақчи ишлар ваэрининг қизи бўлиши Масака Ова- да император оиласи аъзо- лигига муносоиб фазилат- ларни ўзига муқассамлаш- тириш учун ўз маълумот- ларини охиришга киришди. Масака Овада унингнинг қариндас ярамини қориний мамлакатларда ўқизгани учун инглиз ва бир неча Оврупо тилларини билади. У эндиликда анъанавий япон шеърини, Япония тарихи, сарой одобни, япон илмоси ҳаётотлиги каби тўққиз соҳа бўйича ўз ма- лакасини мустаҳкамлаш керак. ● 12 АПРЕЛЬ кунин Шим- олий Атлантика ҳарбий уюшмаси — НАТО Оврупо ҳудудида мисли қўрилмаган ҳарбий акцияни амалга оширди. Гринвич вақти билан соат 12 да НАТО ҳар- бий тайёровлари Босния ва Герцеговина ҳаво бўшлиғи- га бостириб қирдилар. Шун- дай қилиб, НАТОнинг Югосла- вия иттифоғига бевосита ҳарбий аралашуви бошлан- ди. ● КУНИ кеча Қора ва Мармар деңизларида Тур- ки ҳарбий деңиз кучларини- нинг «Дениз курду—93» деб аталган режалли ҳарбий машқлари бошланди. Машқ- лар давомида деңизда ҳар- бий ҳаракатлар олиб бориш мақсадлари кўриқдан ўткази- лди, ўқув отишмалари амалга оширилади. «Дениз курду—93» доирасида эс- миңлар, фрегатлар, субво- тли кемалар, бошқа ҳарбий катерлар, шунингдек, Тур- ки ҳарбий ҳаво кучлари бомбардимончи тайёралари иштирок этади. ● ЯҚИНДА Хитой Халқ Жумҳурияни фуқаролар авна- цияси тарихида энг йирик тижорат битимини амалга оширди. ХХЖ АҚШ билан янги тайёралар сотиб олиш юзасидан шартнома тузди. Унга биноан Америка Қўш- ма Штатлари Хитойга 20 та

«Бонинг—737» ва битта «Бонинг—757» тайёрасини етказиб беради. Шартнома- нинг умумий қиймати 800 миллион долларни ташкил этди. ● ТОРОНТО шаҳрида рус подшолигининг энг яқин воядоридан бўлиш Тихон Куликовский-Романов 75 ёшига нифарат хуружидан афвот этди. У Николай Цинг жияни ҳамда Англия қиролчаси Елизавета Пинг иккинчи авлодиди укала- ридан бири эди. ● ЖАНУБИ Африка Жумҳуриянинг Йоханнес- бург шаҳрида ўз уйи олди- га Жанубий Африка комму- нистик партияси бош котби Крис Ханн отиб ўлдирди. Бу одамнинг номи ак- сидирқий ҳаракатда жуда машҳур эди. К. Ханннинг ўлими бутун мамлакатни жумбушга келтирди. ЖАР президенти Ф. де Клерк қат- тик таассуф билдириб, адо- латли суд қўлга топшири- лди, деб айтди. ● БЕЛАРУС пойтахтида Оврупода энг катта тайёра- гоҳлардан бири фойдала- нишга топширилди. Янги тайёрагоҳ 66 миңг 400 квад- рат метр майдонин эгаллай- ди. У бир соат давомида деярли 2 миңг йўловчиға хизмат қила олади. ● УЛУГ Ватан уруши йилларида эйрлашган ўт очини нуқтаси — амбразура- ни ўз кўрағи билан тўсиб, жасорат кўрсатган Алек- сандр Матросов аслида бош- қирд миллатига мансуб — Шоқир Мухамедзянов деган

БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Райондаги йирик ҳўжа- ликлардан бири бўлган «Ўз- бекистон» ижарачилар уюш- масин боғборлар баҳорги юмушларини қизитиб юбор- дилар. Ҳар йили халқимиз учун илғи меза-чева етказиб бе- раётган ҳўжалиқнинг аза- мати боғборлар 252 гек- тардаги олма боғларини бу- йил яна 25 гектарга ке- нгайтиришга муваффақ бў- лдилар. Шунингдек, ҳўжалиқда бутунчи қунчага 1257 гек- тар ерга тала, 160 гектар майдонга сабазот уруғла- ри қандаб, агротехник тад- бирлар асосида дастлабки парварии ишлари бошлаб юборилди. З. РАҲМОНОВА, Оҳангарон району.

БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Райондаги йирик ҳўжа- ликлардан бири бўлган «Ўз- бекистон» ижарачилар уюш- масин боғборлар баҳорги юмушларини қизитиб юбор- дилар. Ҳар йили халқимиз учун илғи меза-чева етказиб бе- раётган ҳўжалиқнинг аза- мати боғборлар 252 гек- тардаги олма боғларини бу- йил яна 25 гектарга ке- нгайтиришга муваффақ бў- лдилар. Шунингдек, ҳўжалиқда бутунчи қунчага 1257 гек- тар ерга тала, 160 гектар майдонга сабазот уруғла- ри қандаб, агротехник тад- бирлар асосида дастлабки парварии ишлари бошлаб юборилди. З. РАҲМОНОВА, Оҳангарон району.

БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Райондаги йирик ҳўжа- ликлардан бири бўлган «Ўз- бекистон» ижарачилар уюш- масин боғборлар баҳорги юмушларини қизитиб юбор- дилар. Ҳар йили халқимиз учун илғи меза-чева етказиб бе- раётган ҳўжалиқнинг аза- мати боғборлар 252 гек- тардаги олма боғларини бу- йил яна 25 гектарга ке- нгайтиришга муваффақ бў- лдилар. Шунингдек, ҳўжалиқда бутунчи қунчага 1257 гек- тар ерга тала, 160 гектар майдонга сабазот уруғла- ри қандаб, агротехник тад- бирлар асосида дастлабки парварии ишлари бошлаб юборилди. З. РАҲМОНОВА, Оҳангарон району.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА- ЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар: ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48. АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БУЛИ- МИ — 33-99-15.

Эълон ва билдирүүлр кезинтирилмай чоп этилиши кафолатланади. Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақоалалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақоалаларга ёзма жа- воб қайтарилмайди.